

Сўроқлаб турар баҳор

Ўзбекистон ҳалқ шоираси Зулфия Истроилова таваллуд куни муносабати билан 2018 йил 1 март куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 4-сонли талабалар турар жойида “Баҳор келди сени сўроқлаб” шиори остида “Гидромелиорация” факультети 1-босқич талабаси Ёшлар иттифоқи етакчиси Комила Жуманазарова ташаббуси билан шеърият кечаси ўтказилди.

Қатнашганлар тарбиячи педагог Жавлонбек Қутлимуротов “Ирригация ва мелиорация” кафедраси ўқитувчи ходими Долидудко Александр тадбир давомида Азизбек Зокиржанов, Мадина Юсупалиева, Азизбек Мусаев, Қамариддин Абдуғаппаров, Шахзод Эгамов, Нурбек Камолов, Сурайё Сайдумаровалар Ўзбекистон ҳалқ шоираси Зулфия Истроилова шеърларидан ёддан ўқиб беришди.

Шунингдек, энг фаол иштироқ этган талабаларга институт ректори томонидан фахрий ёрликлар топширилди.

БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СЎРОҚЛАБ

Салқин саҳарларда, бодом гулида
Бинафша лабида, ерларда баҳор,
Кушларнинг парвози, елларнинг нози,
Бахмал водийларда, қирларда баҳор...



**4 -ТТЖ тарбиячи педагоги Жавлонбек Қутлимуротоваҳбороти
Институт матбуоткотиби Раҳимбай Жуманиёзов**